Давоми. Боши ўтган сонда

# ҚУЁШ ҚАЙДАН ЧИҚАДИ?

## СКИФ ОҚСОҚОЛИНИНГ НАСИҲАТЛАРИ

Юнон-македонияликлар ҳеч қачон, ҳеч қаерда, Суғдиёнадагидек қаттиқ қаршиликка учрамаган. Искандарнинг энг машҳур саркардалари суғд ерида ҳалок бўлдилар. Александрнинг ўзи икки марта яраланди, асаби бузилиб бир неча бор оғир касалликка чалинди.

Бу ўринда Сирдарёда Искандар ҳузурига маслаҳат билан келган скиф элчиларининг ташрифи айниқса характерлидир.

Квин Курций «Александр Македонский тарихи» китобида скиф оқсоқолининг сўзини келтиради:

«... Сен ҳатто забт қилишинг мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам истайсан. Шарқдан Ғарбга, Жанубдан Шимолга интиласан. Мабодо сен инсон зотини ўзингга тобе эта олсанг, сўнг ўрмонлар, қор-музлар, дарёлар ва ёввойи ҳайвонларга қарши уруш очарсан.

Сенга яна нима керак? Улкан дарахтлар узоқ яшашини, аммо уни ниҳоят бир соат ичида қўпориб ташлаш мумкинлигини билмайсанми? Дарахтнинг баландлигини билмай туриб, унинг мевасига кўз олайтирган кимса тентаклик қилган бўлади. Эҳтиёт бўл, меванинг ҳаммасини оламан деб, дарахтнинг устига чиқиб, шохи билан ағдарилиб тушма тағин.

Ҳатто ўрмон шоҳи йўлбарс ҳам майда қушларга ем бўлган экан. Занг темирни ҳам емиради. Ҳатто кучсиз мавжудод ҳам хавф солмайдиган бақувват нарса йўқ.

Сен билан ўртамиздаги душманлик боиси нимада?

Биз ҳеч қачон сенинг тупроғингга бостириб бормаганмиз. Биз ҳеч кимга хизмат қилмаймиз ва бировга ҳам ҳукмимизни ўтказишни истамаймиз.

Шуни билгилки, биз скифларга: ҳўкиз жабдуқлари, омоч, найза, камон ва қадаҳ мукофот қилиб берилган. Бу ашёлардан биз дўстларимиз билан мулоқотда бўлганда ва душманларимизга Қарши чиққанимизда фойдаланамиз. Ҳўкизлар кучи билан олган неъматларимизни дўстларимизга тутамиз, қадаҳда улар билан биргаликда худоларга атаб май ичамиз, камон билан душманларимизни отамиз, яқин келганларни найза билан урамиз. Биз Сурия подшоҳини, сўнгра эса форслар ва мидияликлар подшоҳларини енгган эдик. Шу ғалабалар туфайли Мисргача бўлган йўл биз учун очилган эди.

Сен бу ерга талончиларни таъқиб қилгани келганман, деб мақтанасан. Ўзинг бўлсанг оёғинг етган жойлардаги барча қабилаларни талон-тарож қилаяпсан. Сурияни забт этдинг, форслар мамлакатини ўзингга тобеъ этдинг, Бақтрия сенинг ҳукминг остида, Ҳиндистонга кўз олайтирмоқдасан, энди бўлса очофат ва тўймас қўлларингни бизнинг яйловларимизга чўзмоқдасан.

Бу бойликлар сенга нимага керак? Улар беҳад очарчиликдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди-ку! Ундан ўзинг биринчи бўлиб безасан. Қанча кўп бойликка эга бўлсанг, шунча очофат бўласан...

Сен мағлуб этган одамлар менга дўст бўлади, деб ўйлама. Хўжайин билан қул ўртасида дўстлик бўлиши мумкин эмас. Уруш қилиш ҳуқуқи тинч пайтда ҳам сақланиб қолаверади.

Скифлар қасам ичиб, дўстликларини мустаҳкамлайдилар, деб ўйлама. Юнонлар ҳар эҳтимолга қарши шартномаларга имзо чекиб, худоларни ёрдамга чақиришади. Ким одамларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмасин, худоларни ҳам алдайди.

Садоқатига ишонч бўлмаган дўстнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Танаисдан бошлаб то Франциягача бўлган жойларда яшаймиз. Македония бўлса Франция билан чегарадош. Демак, биз сенинг икки мамлакатинг билан ҳам дўстмиз. Шунинг учун бизнинг тимсолимизда душманингни кўрмоқчимисан ёки дўстларингними? Шу ҳақда ўйлаб кўр».

Искандар скифлар оқсоқолининг сўзларини эътибор билан тинглади, кейин босиқлик билан:

— «Мен ўз бахтимдан ва сизларнинг маслаҳатларингиздан фойдаланиб, тақдирим буюрганини бажо этаман, зеро, мен тақдирга ишонаман, — деб жавоб беради.

Юнон тарихчисининг китобидан олинган ушбу битиклар катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлган қадимий ноёб ёдномадир. Аллома ўз асарида ўша замонлардаги ҳақиқий муҳитни, босқинчилик урушларининг албатта, фожеали тугашини кўпни кўрган кекса скиф оқсоқолининг сўзлари орқали рўй-рост бера билган. Манбаъларда ёзилишича, скифлар билан бўлган суҳбатдан кейин ҳам Искандар дарёни кечиб ўтиб, скифларга қаттиқ ҳужум уюштиради. Кўлмак суви ичиб оғир касаллик орттириб икки ҳафтадан ортиқ беморлик тўшагида азоб тортади.

Эрондаги тоғ ёнбағридаги Истаҳра шаҳрида зардўштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг ёндирилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам кўп китоблар, ёдномаларда тилга олинади. Эрамиздан аввалги VI асрда «Табаристон подшосига ёзилган мактублар»да: «Искандар ўн икки минг терига битилган бизнинг китобимизни Истаҳрада ёқиб юборди» дейилган Араб тарихчиси Масъудий «Мурч уз заҳоб» асарида. Баъзи манбаъларда эса: «Искандар Зулқарнайн шаҳарини босиб олгач, «Авесто»ни тиббиёт, фалсафа, астрологияга оид қисмларини кўчиртириб олиб, ўзини ёқиб юборди» деган бошқачароқ фикр билдирилади.

Искандарнинг босқинчилик юришлари давридаги хунрезликлар, адолатсизликлар, вайронага айланган шаҳарлар, бутунлай қириб ташланган қабилалар, элатлар хусусида жуда кўп маълумотлар қолган. Эрон пойтахти Песреполдаги ҳашаматли шоҳ саройига ўт қўйилган. Усрушон водийсидаги тоғликлар билан бўлган қаттиқ жангда аҳолининг барчаси қириб ташланади. «Улар катта-кичик, қари-ёш бўлиб йигирма минг иссиқ жон эди...» деб ёзади Арриан «Александр Македонский юришлари» асарида. Кирисахтадаги саройлар, қалъалар, ибодатхоналар, уй-жойлар бузуб, ёндириб юборилди. Шаҳар ўрнида қултепа қолди. Самарқанд атрофидаги қишлоқлар ҳам таланиб,



вайронага айланди. Умуман, Суғдиёнада юнон-македон босқинларида бир юз йигирма мингга яқин киши ҳалок бўлди. Искандар истилосидан кейин Суғдиёна юз йиллар давомида ўзига кела олмади.

**РУХШОНАНИНГ ТАҚДИРИ**

Искандар Ҳиндистонга сафари олдидан қиш бўйи Навтак шаҳрида яшаган. Бу кичкина қўрғон шаҳар Қаршига яқин бўлган, деган тахминлар бор. Навтак атрофида Херион деган мудофаа аҳамиятига молик қалъа бўлган. У қалъа эгаси номи билан «Херион қалъаси» деб аталган.

Искандар қалъани олиш учун кўп уринди, катта-катта дарахтларни кестириб, улардан қояга чиқадиган махсус нарвонлар ясатди. Оқар дарё устига кўприк ҳам қурди. Натижа чиқмади. Суғдлар таслим бўлишмади. Кўп жангчилардан ажралди. Шундан кейин қалъадаги эътиборли, обрўли одамлар билан алоқа ўрнатиш йўлини ахтарди. Ана шундай зодагонлардан бири Оксиорт бўлиб чиқди. Искандар қалъадагилар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлсалар, жабр этмасликка, Оксиортга эса ҳокимликни ваъда қилди. Кейин унинг гўзал қизи Рухшонага уйланади.

Искандарнинг суғд қизига уйланганлиги хусусида юнон тарихнавис адибларининг битикларида кўпгина тафсилотлар сақланиб қолган. Плутарх ўзининг «Александр» романида қуйидаги фикрларни билдиради:

«Роксана гўзалликда бебаҳо, жамоли ниҳоятда кўркам эди. Александр уни кўриб маҳлиё бўлиб қолди. Роксана Александр орзу қилган гўзал эди. Бу чиройли қизни шоҳ ўзига никоҳ қилиб олди. Шундан сўнг ёввойилар Александрга ишонч билан қарай бошладилар. Александр бўлса ўз қалбини асир этган соҳибжамол қизни ранжитишни истамади».

Рухшонанинг Македонияга боргандан кейинги тақдири анча аянчли бўлади. Искандар Бобилди 33 ёшида вафот этди. Искандар вафотидан кейин унинг энг яқинлари, содиқ саркардалари, сарой оқсоқоллари йиғилишди. Салтанат тақдири ҳақидаги энг муҳим ҳаётий масала кўрилиб чиқиладиган бўлди. Искандар ўрнига энди кимни подшоҳ этмоқ даркор? Муҳокама узоқ давом этади. Охири масалага Пердикка аниқлаш киритди:

— Ҳозир талашиб-тортишиб ўтирадиган вақт эмас. Роксана Александрнинг содиқ, вафодор хотини. Подшоҳимиз уни жонидан ортиқ яхши кўрар эди. Бироз кутайлик, агар Роксана ўғил туғса, уни подшоҳ этайлик. Шундай қилсак, Александрнинг руҳи ҳам шод бўлғай. Ахир ҳақиқий ворис ўша-ку! Туғилиб вояга етгунча унга устоз этиб Леонад, Пердикка, Кратер ва Антипатрни тайинлайлик. Барча унинг таклифини маъқуллади. Рухшона ўғил кўрди. Унга Александр деб ном қўйишди. Кекса Антипатр империяни бошқармоқ учун Ардарий, Рухшона, Александрнинг онаси Олимпия ва ворис ёш Александр билан Македонияга қайтди. Ҳамма ишлар ўз йўли билан борар эди-ку, аммо икки йилдан кейин (милоддан олдинги 319 йилда) кекса Антипатр ҳам оламдан кўз юмди. Шундан кейин ҳокимият учун қаттиқ кураш кетади. Ана шу аёвсиз курашда Александрнинг осиёлик гўзал хотини Рухшона ҳам, ўғли Александр ҳам, онаси Олимпия ҳам ёвузларча қатл этилди.

Австриялик машҳур қадим дунё тарихчиси Фриц Шахермайр ўзининг «Александр Македонский» деган тарихий асарида бу фожеани шундай ёзади:

«Кассандр Македонияни ҳеч қандай қаршиликсиз эгаллаб олди, Олимпиадани асир этиб, у ва Александр билан боғлиқ барча нарсаларни йўқ этди (милоддан аввалги 316 йил)... Унинг буйруғи билан ҳарбийлар кенгаши Олимпиадани ўлимга ҳукм этди. Роксанани бўлса ўғли билан бирга Амфиполада қамаб қўйди ва улар милоддан илгариги 309 йилда ўлдирилди».

Шундай қилиб суғдиёналик Рухшонанинг тақдири ана шундай аянчли якунланди.

Кўҳна тарихмиз саҳифалри, икки дунё оралиғида макон этган Суғдиёна элининг гўдаклик тарихини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш даври келди. Юнон-Рим манбаъларининг кўплари ўрганилмаган. Уларни биз асл манбаълар қолиб фақат рус тилида эълон қилинган материаллар орқалигина биламиз.

Президентимиз Ислом Каримов «Мулоқот» журнали 5-сонида эълон қилинган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мақоласида ёзганидек «... бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имкониятларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2750 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор».

Буюк давлатларнинг тарихи ҳам, маънавий бойлиги ҳам улуғ бўлади.

Халқ ўз киндик қони тўкилган заминни муқаддас билиб, уни ҳеч-қачон тарк этмайди. Тарих гувоҳ: юнон-македон юришлари, Чингизхон араб босқини, рус истилоси — ҳамма-ҳаммаси эл-юрт бошига азоб-уқубат, эрксизлик келтирди. Аммо халқ, унинг буюк маънавий бойлиги, эътиқоди, иймони, бутун миллий одат-анъаналари билан сақланиб қолаверди.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

***Ёзувчи Мақсуд Қориев кейинги йилларда тарихий мавзуларга қўл уриб анча хайрли ишлар қилмоқда. Унинг истиқлолимиз йиллари эълон қилинган «Сўғд ўғлони» («Спитамен»), «Ибн Сино» тарихий романлари, ҳикоялари, бадиаларини китобхонлар яхши қарши олди. Муаллифнинг газетамизнинг ушбу сонида давомли эълон қилинаётган «Қуёш қайдан чиқади?» мақоласи ҳам ёзувчининг ижодий изланишлари самарасидир.***

***Мустақиллигимизнинг етти йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан Мақсуд Қориев ҳам «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Биз ёзувчи-журналист Мақсуд Қориевни юксак мукофот билан муборакбод этамиз, унга ижодий камолот тилаймиз.***

*Ёдимиз лавҳалари*

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

# СУМБУЛ ИСИ

Дарвозадан ҳовлига кирдиму, эшик олдида узоқ туриб қолдим. Савр ойи поёнига етиб ҳовли гулга бурканибди. Сира уйга киргим келмайди. Бир парча бўлса ҳам ҳовлининг бўлганига не етсин. Баҳор келганини пайқайсан ҳеч бўлмаса. Онам ўз қўллари билан эккан — осмонўпар бўлиб кетган ўрик ҳовлини ифор исига тўлдириб оч пушти бўлиб гуллабди. Тозалаб супурилган ҳовли бетини шу нимпушти тангачалар тутибди. Эндигина одам бўйидан ошиб қолган ўрик ниҳоли ҳам биринчи бор гуллабди. Унинг гуллари салом қилаётган келинчак бетини яширган ҳарир пушти рўмолни ёдга солади. Ҳовлидаги бу манзарадан кечиб, ҳамма тарафдан уфуриб турган ифордан бебаҳра бўлиб, тангачаларни босиб уйга киргим келмай, ошхона яқинидаги курсида узоқ ўтириб қолдим. Исми жисмига монанд ҳилолгина келиним Наргизахоннинг: «Ойижон, чой дамладим, қайноққина, совимасин. Иссиқлаб келдингиз...» — деган майин овози хаёлимни олди ва оҳиста юриб айвонга чиқдим, йўлак эшигини очдим.

Во ажабо, баҳор таровати йўлакни ҳам тўлдирибди. Ичкари уйга кирдим. Бу хона ҳам муаттар исларга тўлган. Лекин бу ҳовлидаги ўрик гулининг ҳиди эмас — бошқа ис. Жуда таниш ис... Алангладим. Емак устолидаги гулдонда қип-қизил лолалар. Куни кечагина қизим Умидахон келтирган қип-қизил лолалар эди бу. Лекин хонани тўлдирган ис лоланики эмас — тамомила бошқа. Жудаям таниш ёқимли ис. «Қизиқ, лолалар қанчалик чиройли бўлгани билан иси ноҳушроқ бўлади-я...» — хаёлимдан кечди. «Ҳар гулнинг ҳиди бошқа» — деганлари шудир-да, — дея ўйларканман, хонамга кирдим.

Не кўзим билан кўрайки, ёзув устолимда, кичкинагина сопол гулдонда сумбул. Бор-йўғи бир қаричгина келадиган олти дона сумбул. Уч донаси оппоқ, икки донаси пушти ва биттаси оч бинафша ранг бу гул хонани ифор иси билан тўлдирибди-қўйибди. Мўъжазгина гулдонда турган бу гуллар идрокимда ғалаён кўтариб, қалбимни жумбушга келтирди. Эслаб кетдим — Зулфия опагинамни эсладим. Ўттиз тўрт йил мобайнида, аввалига Ўзбекистон Давлат нашриётида икки йил, сўнг «Саодат» журнали таҳририятида 32 йил бирга ишлаган, умуман олганда ярим аср мобайнида яқиндан — жуда яқиндан билганим суюкли опам, элнинг ардоқли ва суюкли шоираси Зулфия Исроиловани эслаб кетдим. Гунафша ва чўчмомалар қатори кўкламда ҳаммадан аввал очиладиган бу гулларни Зулфия опам келтирардилар менга... Зулфия опамлар...

Ўрис тилида гиацинт деб аталадиган бу гуллар ҳар кўклам гилам бўлиб очилиб ётарди Зулфия опамнинг ҳовлиларида. Ҳовлига қадам қўйдингизми, бу ис баҳорий кайфият, баҳорий илиқлик билан сийларди кишини. Композиторлар кўчасидаги бу ўнинчи ҳовли девори теграсида баланд сўрига кўтарилган бир неча туп ҳусайни, бир-икки туп гилосу, луччак шафтолини демаса, ранго-ранг атиргулларга бурканган бўларди. Ёз бўйи то кеч кузгача ранго-ранг товланиб, ифор иси билан ҳовлини тўлдирган бу гуллар очилиш навбатини сумбулдан оларди. Ҳовлидаги дов-дарахтлар, узумлар ва гулларни парвариш қилишни суйган Омонжон экканмиди бу гулларни — билмадим...

Лекин, айни шу дақиқада, гулдондаги сумбулга кўзим тушиб, юрагим гупуриб, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди... Кўклам кезлари Зулфия опам келтирардилар таҳририятга сумбулни. Бир қучоқ қилиб келтирардилар-да, котибага бериб, ҳамма хоналарга қўйиб чиқишни топширардилар... Неча-неча кунгача хоналаримизда сумбул иси уфурарди. Сувини алмаштириб турсанг бас — ҳафтаўн кун турарди.

— Шоира-да, Зулфияхон, шоира... — деб қўярдилар меҳр билан масъул котибимиз журналист Салоҳ Ҳасан.

Хонасида, ўзи ишга етиб келмасдан қўйилган гулни кўрган ходимлар бирин-сирин ийманибгина кириб келишарди, муҳаррир хонасига.

— Кечирасиз, Зулфия опа, кечикдик... — деб гап бошларди шунда қизлардан бири. — Биз олиб келиш ўрнига сиз келтирасизми бизга гулни...

— Эй, қўйинглар-е, бу гапларни... Гулни ҳар доим сизлар келтираверасизларми, менгаям навбат беринглар-да, — деб чарақлаб кулардилар, ўринларидан чаққон туриб, хона ўртасига чиқиб қулочларини ёзардилар — қизларнинг бари, ёшидан қатъий назар, она бағрига талпинган гўдак мисол баробар чопиб келиб қучоқлаб олишарди Зулфия опамларни. Айни шу сонияда ушбу сатрларни битарканман, ўйлаб кўрсам, мен ҳам ҳаётимнинг оғир дақиқаларида бу қайноқ бағирда неча-неча бор юпанч топган эканман ва мен хом сут эмган банда бу ҳол ҳамма вақт давом этади, бунинг поёни бўлмайди, деган ишончда бўлган эканман...

Умуман, хўб ажойиб муҳит ҳукм сурарди таҳририятимизда. Бу муҳитни бош муҳарриримиз Зулфия, масъул котибимиз кекса ва маҳоратли журналист Салоҳ Ҳасан, бутун таҳририятнинг отахони — техник редактор Зокиржон Раҳимовлар (жойлари жаннатдан бўлсин ҳаммаларининг) бунёд этишганди. Таҳририятимизда катталар иззатда, ёшлар хизматда ва ҳурматда эди. Ҳамма ўз ўрнини биларди. Ҳар борада ходимларга ўрнак эдилар Зулфия опам — соч турмаклашдан тортиб кийинишгача, рўзғор тутишдан тортиб фарзанд тарбиясию, қайнбўйинлар билан мулоқотгача...

Бўлимлардан бош муҳаррирга етиб келган қўлёзмаларни кўрганда ҳам Зулфия опамлар, ҳатто, кеча ишга келган ходимнинг ҳам иззатнафсига тегмай, камчилик ва хатоларини ётиғи билан тушунтирардилар.

Вилоятларга иш юзасидан сафарга кетган ходимлар сафардан қайтгач, албатта бош муҳаррир суҳбатида бўлиб, кўрган-кечирганлари, хулосаларини сўзлаб берар, бош муҳаррирнинг йўл-йўриқларини, фикр-мулоҳазаларини аниқ билгачгина ёзишга киришарди. Одатда очерк битгач ходим ёзганини Зулфия опамларга ўқиб берарди. Ўқиш жараёнида бир варақай таҳрир қилиб кетиларди. Таҳрир қилиб бўлингач, қўлёзманинг биринчи саҳифаси чеккасига «машинкага»деб имзо чекилиши байрам бўлиб кетарди. Шунда ёзганини муҳаррирга манзур этолган ходим муҳаррир хонасидан музаффарона табассум билан бахтиёр чиқиб келарди. Уларнинг бу табассумида Зулфия опамларга нисбатан ҳам меҳр, ҳам ифтихор туярдим.

Шу онда — ушбу сатрларни ёзатуриб, таҳририятимиздаги дўстона иқлимни, самимиятни эслаб, бирга-бирга ишлаган йилларимиздан қалбимда қониқиш туйғуси пайдо бўлиб, бир жамоа эмас, бир оила бўлиб кетганимизни ҳис қиламан.

Муҳаррирнинг таҳририятни бошқариш, журнални муштарийларга манзур қилиш, имкони қадар кўпроқ хонадонга кириб бориши йўлидаги саъю ҳаракатлардан ташқари унинг ташкилотчилиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Шундай йирик ишлардан бири «Наврўз» байрамини тиклаш масаласи эди.

1963 йил эди. Бир куни Зулфия опам менга, ўзбек халқининг «Наврўз» байрами бўлгани, бу байрамга диний байрам деб айб тақаб урфдан чиқариб юборилганини айтдилар.

Ўшанда ёшим ўттиз бешга бориб ҳам бу байрамни кўрмаганман, ҳатто ҳеч қачон эшитмаганман ҳам.

Талабларни билганим учун ҳам:

— Рухсат тегармикан... — дедим иккиланиб.

— Буёғини менга қўйиб беринг. Депутат сифатида ўзим ҳаракат қиламан. Марказқўмга чиқаман. У ердагилар ҳам сизга ўхшаган ёшлар. Сизга ўхшаб улар ҳам бу байрамни билмайди. Уларга тушунтириш керак. Бу байрам ислом динига алоқадор эмас. Ислом дини келмасидан анча илгари халқимиз уни байрам қилган. Кутубхоналарда ўтириш, вилоятларда бўлиб, кексаларнинг хотирасини ўрганиш керак... Хуллас, хотира қудуғини қазиш керак...

Зулфия опам бошлаган ишларини охирига етказмасдан қўймасдилар. Шароф Рашидов қабулида бўлиб, бу масалани ҳал қилиб келдилар. Ўшанда Шароф Рашидов: «Агар таҳририятингиз ўзбек халқига бу байрамни тиклаб беролса, катта савобга қолади» — деган эканлар. Ҳатто бу борада қилинадиган ишларнинг икир-чикиригача фикрлашишган экан.. Биз ўшанда журналимизнинг бир сонини Наврўз байрамига бағишладик. Таҳририят бош муҳарриримиз раҳбарлигида Сурхондарё вилоятига сафарда бўлиб, юртимизнинг кўклам энг илгари келадиган бу гўшасида, ўша чоқларда илк бор наврўз байрамини ўтказиб қайтдик...

Сумбул иси... Мўъжазгина гулдонда бўй таратиб турган бу гул қанча хотираларни ёдга солди...

Кўклам ажойиб фасл-да. Зулфия опам таваллуд топган ва суйган фасл. Ёзув устолимдаги сумбул ҳамон атр сочмоқда. Мен эса бу гулнинг ҳеч қайси бир гулда такрорланмас чиройини томоша қилиб, исидан ҳузурланиб ўтирарканман, эллик йиллик мулоқот давомида маънан қанчалар бойиб борганим ҳақида ўйлайман.

Зулфия опам билан ҳамнафасликдан мадад топган бир менми?... Улар ниҳоятда кўп — Тошкентдагина эмас, барча вилоятларда бор Зулфия опамларнинг шогирдлари. Ҳозирга келиб улар ўзи устоз — қатор шогирдлар мададкори. Шоира, муҳаррир, давлат арбоби Зулфия Исроилова мадади билан шеърият оламига қадам қўйган ва унда муқим қолган шоиралар ва шоирлар қанча — буни айтиб беролмайман. Буни тан олиш уларнинг ўзларига ҳавола. «Фалончи ё Писмадончи менинг шогирдим бўлади» — дейиш тўғримас. «Фалончи менинг устозим!» — деб шогирд айтиши чиройли, агар шундай деб ҳисоблаcа...» — деганларида Зулфия опам қанчалик ҳақ эканликларини кейинчалик англадим. «Фалончи менинг устозим!» — деб ифтихор билан айтилганга не етсин.

Муҳарриримиз таклифи билан журнал саҳифасида барқарор ўрин олган «Қизлар саҳифаси»дан қизлар шеърият оламига парвоз қилди.

Зулфия опамни хотирларканман, кўпинча кўз ўнгимда, папка-папка материалларни сумкаларига қўшиб бағирларига босганча таҳририятдан чиқиб кетаётганлари намоён бўлади. Ишга келганда қандай шаҳдам юриб, кириб келган бўлсалар, ишдан қайтишда ҳам шундай шаҳдам юриб чиқиб кетардилар — биз чарчаганларини сезмасдик.

Кейин... Кейин эса, тунда уйқу ҳисобигами, шанба-якшанба кунлари ҳордиқ ҳисобигами шу ишларни поёнига етказардилар. Ҳатто бетоб бўлиб қолганларида ҳам журналнинг навбатдаги сони босмахонага тушадиган бўлса, тўла шаклланган барча материалларни, бош муҳаррирнинг талабларига кўра (суратларию, макетлари билан) уйларига йўллардик. Ҳозир эсласам хафа бўлиб кетаман — ҳатто стационарга материалларни элтиб берган вақтларимиз ҳам бўлган.

Зулфия опамлар ўз ижодларига қанчалар талабчан бўлсалар журнал ишига ҳам айнан шундай муносабатда бўлардилар. Ўзларидаги журналга бўлган бу муносабатни ходимларда ҳам тарбиялардилар. Таҳририят ишида муаллифлар билан ишлаш ишига алоҳида аҳамият берардилар.

Одатда, ҳар қандай таҳририятнинг муштарийларига айтадиган ўз сўзи бўлади. Бу сўзни, албатта бирон муаллифнинг мақоласи орқали етказилади. Бундай чоғларда бош муҳарриримиз мақолани журналга ёзиб беражак муаллиф моҳир қаламкаш ва шу сўзни айтишга маънан ҳақли бўлмоғи керак деб ҳисоблардилар.

Эсимда, 1959 йилда журналда «Маданият университети» саҳифасини очдик. Бу сиртқи университетимизда чоп этиладиган «Маданий киши» деган илк мақоланинг муаллифи таниқли олим филология фанлари доктори, ўша пайтда мухбир аъзо ёзувчи Иззат Султон бўлди. Бу мақола «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1959 йил август сонида чоп этилди. Бу мавзу ҳали-ҳануз долзарб. Ўшанда, орадан 17 йил ўтгач, кўплаб журналхонларнинг таклифи билан (бу таклифлар журналхонларнинг конференцияларида изҳор этилади) 1976 йилда такроран чоп этдик...



Ҳар гал адиблар билан мулоқотда журналхонларни қизиқтирган саволларга жавоб берадиган асарлар ёзиб беришларини илтимос қилардик. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Шуҳрат, Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий ва Ҳамид Ғуломлар ўз асарлари, мақолалари ва шеърлари билан журналимизнинг мавқеини кўтаришарди. Журналнинг ҳар бир сонида биронта ўзбек адибининг ҳикоясини чоп этишга ҳаракат қилардик.

Агар адашмасам, 1970 йил эди. Журналнинг навбатдаги сони тайёрланаяпти-ю, лекин ҳикоя йўқ. Бу гапни эшитиб Зулфия опам ҳикоянавис адибларга бирма-бир қўнғироқ қила бошладилар...

Бироз ўтиб яна кирсам, опа: Севинаверинг — журнал ҳикоясиз чиқмайдиган бўлди, — дедилар.

Дарҳақиқат, эртаси эрталаб Саид Аҳмад ҳикоя келтирди. Бу — «Келинлар қўзғолони» деган ҳикоя эди. Ҳикоя «Саодат» журналининг 1970 йил еттинчи сонида чоп этилди. Кейинчалик адиб шу ҳикояси асосида «Келинлар қўзғолони» деган уч пардали комедия ёзди ва бу асар ҳам «Саодат» журналининг 1976 йилдаги 7, 8, 9 ва ўнинчи сонларида чоп этилиб, журналхонларга манзур бўлди. Бу ўринда ёзувчи билан муҳаррир ўртасида дўстона муносабат, муҳаррирнинг шахсан ўзининг адибга мурожаати ва адибнинг таҳририятга — унинг муҳарририга ҳурмат эҳтироми намоён эди.

Муҳарриримиз шоир бўлгани учун ҳам кўпчилигимиз улар битган шеърни ҳаммадан аввал ўқишга иштиёқманд бўлардик. «Саодат» таҳририятида уларнинг шеър ёзганларини эрталаб ишга келаётганларида қадам олишларидан билардик. Учинчи қаватдаги узундан-узун йўлак бошидан шаҳдам одимлаб келаётганларидаёқ, қандайдир ички туйғу билан буни пайқаган ходимлар Зулфия опам ортидан хонага кириб боришаверарди.

Шундай чоғларда Зулфия опам иш столи ёнига эмас, хона ёнбошидаги узун мажлис столи бошига жойлашар, столнинг икки тарафини эса бизлар эгаллардик. Зулфия опам жуда қуюқ сўрашардилар ходимлар билан — ота-онаси, бола-чақаси, ўзининг кайфиятини сўрар, оилада бирор муаммо бор-йўқлигини суриштирардилар, керак бўлганда ёрдамларини аямасдилар... Кейин сумкаларидан қора дафтар чиқарардилар. 24 саҳифали дафтарнинг муқоваси қора бўлганлиги учун биз уни «қора дафтар» деб атар ва ундаги тонгдек оппоқ шеърларни тинглашга чоғланардик. Биз «қора дафтар» деб атаган бу дафтар, эҳ-ҳе, аллақанча шеърлар қораламаси билан тўлган эди. Одатда Зулфия опам шеърларни араб алифбосида битардилар. Ўша куни яна кимда янги шеър бўлса ўқилар ва гўё «муҳокамадан» ўтарди. Гўё биз мушоира ўтказгандек бўлардик...

«Саодат» журналида оммавий ишларга катта аҳамият бериларди. Муҳарриримиз эътиборни қишлоққа қаратишни даъват қилардилар.

— Юзингизни қишлоққа ўгиринг. Муштарийларимиз асосан қишлоқ аҳли эканлиги ёдингиздан кўтарилмасин-а... — дегувчи эдилар.

Ҳамма вилоятлар ва Қорақалпоғистонда «Саодат»нинг вакилалар бўлими очилган эди. У бўлимлар таҳририятимизга лавҳа, очеркларимизга қаҳрамонлар танлашда, вилоятларда «Саодат»ни тарғиб қилиш, учрашувлар ўтказишда, журналга обуна ишларини олиб боришда кўмаклашарди. Оммавий ишлар якуни ўлароқ, бошда 15 минг нусхада чиққан журналимиз бора-бора миллион нусхадан ортиқ тарқаладиган бўлди. Бунда ҳам, албатта таҳририятнинг, ва шунингдек, бош муҳаррирнинг роли катта эди.

Зулфия опамнинг яна бир хусусиятларини эсламай ўтолмайман: жаҳонгашта шоирамиз сўзларида барқарор турадиган бурч кишиси эдилар. Шеърларида куйлаганларидек: халқ тақдирин бир жилғаси мисол диёримиз жўшқин оқимига қуйилиб, унга мадад бўлардилар.

Зулфия опамда шоиралик, раҳбарлик хусусияти ва ташкилотчилик узвий боғлиқ эди. Раҳбар бўлганда ҳам шундай раҳбар эдиларки, ходимлар ўз муҳарририга тоғ каби суянарди. Бир одатлари менда ҳар вақт таҳсин ҳиссини жўш урдирарди. Бирон-бир кимсадан азият чекканларида ундан нолиганларини кўрмадим. Ҳар қандай чоғда иккинчи тарафни тушунишга уринганларининг шоҳиди бўлганман, шогирдларига эса еб турган нонларини ҳам берардилар. Уларнинг айримлари вилоятлардан келган уй-жойсиз ёшлар. Уларнинг бир қанчаларини, не-не қийинчиликлар билан уй-жойлик қилганларидан хабардорман. Шундай пайтларда уй-жойлик бўлган кимсадан ортиқ севинардилар. Қўлларидан кимгадир ёрдам кўрсатиш келганига ўзларида йўқ қувонардилар. Балким шундай чоғларда, то Ҳамид Олимжон ўзи уй қуриб кўчиб ўтгунига қадар Обсерватория кўчасидаги икки хонали уйда 8—9 киши яшаганларини эслагандирлар... Кўп эслардилар Зулфия опам у манзилни. Зеро, бу Ҳамид Олимжон билан бахти бекам яшаган гўшалари эди. «В тесноте, но не в обиде» деб ўрис нақлини тилга олардилар у йиллар ҳақида гапирганларида.

Мен илк бор таниган чоғлар Зулфия опамлар шоир Ҳамид Олимжоннинг беваси эдилар — Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалок бўлганига тўрт йил бўлган. Қарамоқларида етти яшар қизалоқлари Ҳулкар ва тўрт ёшли Омон билан Ҳамид Олимжон қурган уйда қайин оналари Комила ая, қайин инилари ТошДУ толиби Сарвар, қайин сингиллари Роҳатой, Саҳобатой ва Муҳаббатлар билан гавжум хонадонда истиқомат қилар, Ўзбекистон Давлат нашриёти поэзия бўлимида муҳаррир бўлиб ишлардилар.

Давоми тўртинчи бетда



ГУЛЛАР ИЧРА ГУЛЛАР.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

# СУМБУЛ ИСИ

Боши учинчи бетда

Ўша кезлар Зулфия опам, худди қўшиқда куйлангандек қошлари камон, кўзлари чироқдек порлардию, лекин бошдан кечган мусибат кўланкаси аҳён-аҳёнда бир лабда кўриниш бериб қолган табассумни ўчириб турарди. Лекин гўзал инсон ҳар қандай вақтда ҳам гўзал... Кейинчалик билсам, фожиадан огоҳ бўлганларида бир кеча сочлари оппоқ оқариб кетган экан. Аммо сочнинг оқи ҳам ҳуснларига соя сололмас, балки ҳуснларига ҳусн қўшгандек туюларди менга. Ана ўша йилларда туғилган эди Зулфия опамнинг юрагимни қиймалаган мунгли шеърлари. «Кечир, қолдим ғафлатда» шеърларини ўқиганимда Зулфия опамнинг дардларига шериклик кўз ёш бўлиб қуйилиб юзларимни ювардим ўша кезларда...

Ростдан ҳам, ҳар қандай шоир ўз қалбига ошно туйғулар устида тўхтайди, кўрган-кечирганлари, нари борса, эшитганлари — қалбига яқин, қалбини қувнатган, қалбига ларза солган туйғулар устида тўхтайди — сўйлайди. Зулфия опам ҳам шундай бахтдан энтикиб, бахтсизликдан сирқираб яшадилар ва ижодларида ҳам шундан баҳс юритдилар. Ўзлари самимий одамлар-самимиятни қадрлардилар, элни ардоқлардилар, унинг ардоғида, меҳрида бўлдилар. Ҳамиша «қалблари меҳнатга, қаламга чанқоқ» шоира опам «яйратганда ҳушбахт яйраб», бўрон чалганда ҳам синмай, ёрга, фарзандларга, элга, касбга садоқатла яшаб ўтдилар. Улар ўстирган боғ: фарзандлар ўзидан кўпайиб невара-чеваралар камол топаяпти, ҳаётдан муносиб ўрнини эгаллаяпти...

Яқинда Композиторлар кўчасидаги ўнинчи ҳовлида бўлдим. Ҳарвақтдагидай бир ҳовли гул: қизил, пушти, новвот-ранг... Яна лолалар. Қип-қизил лолалар. Эшикдан кирган ҳар кимсага келинчакдек эгилиб салом билан кутаётгандай...

Менинг меҳрибон Зулфия опам. Бир отанинг, бир онанинг фарзандлари бўлмасакда, мен уларни опам деб билганман. Тақдир тақозоси биланми, сал кам эллик йиллик яқинликда мен. Зулфия опамдан ҳеч кимдан кўрмаган меҳр кўрдим — оқибат кўрдим. Лекин мендан қайтдими? Қайтмадими? Яхшилик қилиб улгурдиммми? Улгурмай доғда қолганим рост бўлдими? Билмадим. Жоним азобда қолди. Жудолик азоби қоғозга туширилган битик эмаски, қўлингга ўчирғични тутсанг-да, хаёлингдан ва ҳаётингдан ўчириб юборсанг. Ҳаёт экансан, бу азоб ҳаммавақт сенга ҳамроҳ. Лекин бир нарса юракка таскин беради. Зулфия опамнинг ўзлари ёзганларидек, ҳаёт боғлари ҳувиллаб қолмади. Ҳар бири ўн фарзанд ўрнини босадиган қизлари олима Ҳулкар Олимжонова билан ўғиллари фан номзоди Омон Олимжоновлар ва қатор набиралар бу боғни янада яшнатиш йўлида саъю ҳаракатдалар...

Мўъжазгина сумбул хаёлимни қайларга олиб кетди. Шу баҳона қоғозга туширган хотиротларим денгиз эмас, йўқ, океандан томчи холос.

## ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ

*Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ*

Иккинчи мақола

Имом Бухорий кўп асарлар муаллифи бўлган. Турли манбаларда қайд этилган унинг асарлари сони 25 тага етиб боради. Улардан айримлари турли мамлакатларда нашр этилиб, айримлари қўлёзмалар шаклида мавжуд, аммо улардан баъзилари ҳозирча бизга етиб келмаган. Мазкур асарлардан айримлари «ат-Тарихул-Кабийр», «ат-Тарихус-Сағийр», «Халқу-афъолил-ибод», «Сулосиётул-Бухорий», «ат-Тафсийрул-кабийр» бўлиб, «ал-Жомиъус-саҳийҳ» ёки «Саҳиҳул-Бухорий» унинг энг муҳим китоби ҳисобланади.

**«ал-Жамиъус-саҳийҳ» китобининг аҳамияти**

Ушбу муҳим асарнинг аҳамияти шундаки, ҳадислар кенгроқ маънода «суннат» ёки «сунна» Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда туради. Биринчи ҳижрий асрда ҳадислар Қуръон билан қўшилиб кетмаслиги учун, уларни тўплашга рухсат берилмас эди. Лекин иккинчи ҳижрий асрнинг ярмига келиб, кўп сабаблар, айниқса тўқима ҳадислар сони ошгани туфайли, ҳадисларни ёзиб олиб тўплаш ишига киришилди. Биринчилардан бўлиб бу ишга қўл урганлар Мадинада Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Маккада ибн Журайж, Кўфада Суфён Саврий, Басрада Ҳаммод ибн Солма, Яманда Муаммар ибн Рошид, Марвда Абдулло ибн Муборак, Шом (Сурия)да Авзоъий, Мисрда Лайс ибн Саъд эдилар. Улар жамлаган асарлардан бизгача фақат имом Молик тўплаган «ал-Муватто» китоби етиб келган.

Улардан кейин ҳадис тўпловчиларнинг иккинчи табақаси етишиб чиқди. Улар «Муснадлар» муаллифлари бўлиб, Аҳмад ибн Ҳанбал уларнинг машҳур намояндаси эди.

Учинчи ҳижрий аср, ҳадисларни танқидий асосда тўплаб, уларнинг саҳиҳларини заифларидан ажратиш (саралаш), равийларни ишонарли ва ишончли эмасликларини белгилаб олиш даври эди. Бу даврда олтита саҳиҳ китоблар (сиҳоҳи ситта) деб аталган энг мўътабар асарлар муаллифлари майдонга чиқдилар. Улар Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Доуд, Насоъий ва ибн Можа эдилар. Ушбу олти китобдан энг саҳиҳ ва Қуръондан кейин энг мўтабар деб қабул қилингани Бухорийнинг «ал-Жомиъус-саҳийҳ» асари ҳисобланади.

Бухорий, ўз асарини фиқҳ илмининг бобларига мослаштириб тартибга солди. Бухорий бу ҳақда шундай деган экан: «Мен ушбу китобни олти юз минг ҳадис ичидан ажратиб олиб, 16 йилда уни тамомладим ва ўзим билан Аллоҳни ўртамизда уни ҳужжат қилиб қўйдим». Фарбарий айтишича, у яна бундай деган экан: «Ҳеч бир ҳадисни ғусл қилмай туриб икки ракат намоз ўқимай туриб, Саҳийҳ китобимга киритган эмасман...»

Муҳаммад Фуод Абдулбоқий «Ислом энциклопедияси»да ёзишича, Ҳофиз Дориқутний бундай деган экан: Бухорий бўлмаганда имом Муслим келиб етилмасди.

Саҳийҳ Бухорий 97 китоб, 3450 бобни ўз ичига олиб, Ибнуссалоҳ ва Нававий айтишларича, ундаги ҳадислар сони такрорланган ҳадислар билан бирга 7275 тага етиб боради.

Имом Бухорий, саҳиҳ ҳадисларни танлаб олишда бир қоидани қабул қилган экан. Уни ҳадисшунослик илмида «Шартул-Бухорий» (Бухорийнинг шарти) деб атаганлар. Унга биноан Бухорий ибн Ҳажар Асқалоний ёзишича, шундоқ ҳадисни саҳиҳ деб билардиким, унинг ривояти силсиласидаги барча ровийларнинг ҳар бири машҳур бир саҳобийга етиб боргунча, буюк муҳаддислар томонидан иттифоқ билан ишонарли деб тасдиқланганидан ташқари, унинг санадларида ҳеч қандай узилиш юз бермаган бўлса. Бордию икки ровий ёки ундан кўпроқ кишилар, бир саҳобийдан ривоят қилган бўлсалар ҳануз яхшироқ, аммо агар фақат бир эътиборли ровий томонидан ривоят қилинган бўлса, уни ҳам қабул қилиш мумкин. Шунга биноан саҳиҳ ҳадисни танлаб олиш учун, санадларнинг бир-бирига боғланганлиги (узилмаганлиги), ровийларнинг эътиборлилиги, шунингдек, уларнинг матнида, санадларида заифлик ва бошқа камчиликлар бўлмаслигига эътибор берар экан.

Манбаларда зикр этилишича, Имом Бухорий ўз китобини тугатгандан кейин, уни айрим ҳадис илмининг йирик вакиллари ва имомлари, жумладан, Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн Мадиний, Яҳё ибн Муинга тақдим этади. Улар ҳаммалари, Бухорийга таҳсинлар айтиб, тўрт ҳадисдан бошқа барча ҳадислари тўғри эканлигига гувоҳлик берадилар.

Ибн Аби Яъло айтишича, ушбу китоб кенг кўламда кутиб олиниб, тўқсон минг киши уни Имом Бухорийнинг ўзидан тинглаганлар.

Имом Бухорийга нисбатан айрим ҳадисшунослар ва тадқиқотчилар танқид кўзи билан қараб, унинг саҳиҳ китобида айрим камчиликлар борлигига ишора қилганлар. Лекин мазкур танқидларнинг кўп қисмига ушбу асарни шарҳловчилари ва бошқалар томонидан мантиқий жавоблар берилиб, китобдаги уйғунлик — «Бухорий шарти»га мос эканлиги кўрсатиб берилган.

Шиа олимлари ҳам, Имом Бухорий ушбу мазхаб имомлари ва уларнинг фарзандларидан улар билан асрдош бўла туриб, шунингдек, аҳли байт (пайғамбар оиласи) ҳақида ҳадислар ривоят қилмаган деб танқид қиладилар ва фақатгина бир қатор ҳадисларни Ҳазрат Али, Имом Ҳасан Мужтабо ва имом Бокирдан ривоят қилиши етарли эмаслигини эслатадилар. Ислом буюк Доиратул-Маорифида бунинг сабаби, жумладан, аббосийлар давридаги имомларга қарши олиб борилган сиёсат бўлса керак, деб тахмин қиладилар.

Ҳожи Ҳалифа «Кашфуз-зунун»да ёзишича, Бухорий бир ривоятда айтган экан: «Мен пайғамбар алайҳиссаломни тушимда кўрдим. Ул зотнинг ҳузурида тўхтаб, қўлимдаги елпиғич билан ул зотни елпиб турган эмишман. Баъзи муаббирлардан бу борада сўрасам, улар менга сен ёлғонларни (уларнинг сўзларидан) кетказгайсан, деб таъбир қилдилар. Шу мен учун туртки бўлиб, «ал-Жомиъус-саҳийҳни тўплай бошладим»...

Ушбу китоб кўп қиррали мавзуларни ўз ичига олган қимматли асар бўлиб, атрофини бир муқаддас қўтан қамраб олган. Унинг хусусиятлари кенг қўламда ёритилиб ўтилган ва жуда кўп китоблар бу ҳақда ёзилган. Ибн Ҳажар Асқалоний, Айний, Субкий, Хатиб Бағдодий ва бошқалар томонидан берилган маълумотлар диққатга сазовордир. Фарид Важдий ёзишича, баъзилар ушбу китобнинг ҳадисларини, Қуръон каби Хайру баракани жалб этиш ниятида ўқийдилар. Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда ал-Бухорий хатми ҳам, Қуръони карим хатмидек ривож топган.

Манбаларда ёзилишича, Шоҳруҳ Мирзога «Ҳуруфия» намояндаларидан бири қасд қилганда, Шоҳруҳ Мирзо тирик қолади. Шунинг шукронасига машҳур олим Соинуддин Турка бир қатор Солиҳ кишилардан анжуман тузиб, хатми «Саҳийҳ Бухорий»ни ўтказади.

**«САҲИЙҲ БУХОРИЙ»НИНГ ШАРҲЛАРИ**

«Саҳийҳул-Бухорий»нинг аҳамият ва эътиборини унинг устида ёзилган шарҳлардан ҳам англаб олиш мумкин. Ҳожи Халифа (Котиб Чалабий) «Кашфуз-зуннун» китобида бу ҳақда муфассал маълумот берган. Брокелман араб адабиёти тарихида унинг 43 та шарҳи бор деб ёзган бўлса, Аҳлвард Берлиндаги қўлёзмалар рўйхатида унинг олтмишта шарҳи бор деб таъкидлаган.

Карл Брокелман «Ислом энциклопедияси»да берган маълумотларга кўра, Саҳийҳ Бухорийнинг ҳозирги қўлланадиган нусхасини биринчи бўлиб таркатган олим Муҳаммад ал-Юниний (в. 658 ҳ. — 1260 м. й.) бўлиб, уни машҳур тилшунос олим ибн Молик (в. 672 ҳ. — 1273 м. й.) ёрдамида бошқа кўп мўътабар нусхалар билан солиштириб камчиликларини тўғрилаган. Ушбу нусха Лейденда 18-аср ўрталарида ва 1908 йил нашр этилган, шунингдек, у Булоқда, Қоҳира тошбосмасида, Деҳлида, Бомбайда, Маратада босилиб чиққан.

Ушбу китоб французчага икки марта таржима қилиниб, унга феҳрист тайёрланган, унинг иккинчи, мутаржими Л.Пелтиер бўлиб, мазкур ҳошиялар ва шарҳлар муаллифи ҳам ҳисобланади. (Нашр йили 1909, Париж).

# ТАНГРИ ГЎЗАЛ — ГЎЗАЛЛИКНИ ЯХШИ КЎРАДИ



1998 йили Анқарада «Galeri Selvin» томонидан нашр этилган Фирдавсий натюрмортлари албоми.

Қадимги хитой файласуфлари таълимотларида «гўзаллик — тартиб, қонуният, ҳаётнинг бош мезони» эканлиги уқтирилади. Бу жуда катта фалсафа. Чунки инсоннинг яратилишининг ўзи бир гўзаллик излайди, яратади. Бу борада мусаввирлар санъати алоҳида бир мазмунга эга. Санъатнинг бир тури бўлмиш рассомлик ғайритабиий шакл-шамойили билан кўп даврлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Тасвирий санъатда турли йўналишлар, оқимлар мавжуд. Улардаги олий мезон, бу инсон, табиат, борлиқ муносабатларини рангларда акс эттириш. Рассом дунёни ўз ранглари орқали ҳис қилади.

Фавқулодда истеъдод соҳиби, моҳир мусаввир Фирдавсий Файзулло ижоди юқоридаги фикрларимизга асос бўла олади.

Фирдавсий Файзулло 1963 йил 31 октябрда Тошкентда таникли шоира Гулчеҳра Жўраева ва моҳир ёзувчи Сайёр оиласида дунёга келди. Ундаги истеъдод жуда эрта намоён бўлгач, 1970 йилда расмчилик ва музика мактабига ўқишга беришади. 1979 йилдан Бенков номидаги рассомлик билим юртида таълим олади. Олий таҳсилни Тошкент Давлат Маннон Уйғур номидаги санъат институтида давом эттиради. Ёш рассом талабалик йилларидаёқ кўпчиликнинг назарига тушади. У иштирок этган кўргазмалар жуғрофияси ранг-баранг:

1987 йил Тошкент кўргазмалар зали.

1989 йил Тошкент кўргазмаси.

1990 йил Москва рассомларнинг қўшма кўргазмаси.

1993 йил Истанбул Бейоғли санъат галереяси.

1994 йил Тошкент «Sam» санъат галереяси.

1995 йил Дамча фестивал кўргазмаси

1996 йил Анқара галереяси.

1997 йил Париж экспо интернейшнл кўргазмаси.

1997 йил Анқара Селвин галереяси.

1998 йил Анқара Селвин галереяси.

Бугунги кунга келиб, Фирдавсий Файзулло асарлари мамлакатимиз сарҳадларидан чиқиб жаҳон бўйлаб танилди. Мусаввир Туркияда яшаб, баракали ижод қилмоқда. Унинг асарлари кўплаб санъат доираларининг эътиборини тортмоқда. Бунга сабаб Фирдавсий асарларидаги мавзунинг Шарқ маданияти ўтмиши ва бугуни билан боғлиқлиги ва бу юксак маҳорат билан рангларда акс этганлигидадир.

Мусаввир услубида классик реализмга хосликни кўриш мумкин.

Маълумки, тасвирий санъатдаги классик реализм методининг умри XIX асрнинг охирларида тугади деб ҳисоблашган эдилар. Аммо бу оқим тезда яна майдонга чиқди ва янги мезонлар билан бойиди. Методнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг асосида рассомнинг табиат ва борлиққа муносабати ётади.

Фирдавсий асарларига шу нуқтаи назардан баҳо бериш лозим. Мусаввир натюрмортларини кузатиб, унда Ғарб классик реализми билан Шарқ романтикасининг уйғунлашганини сезиш мумкин.

Мусаввир табиатида романтика кучли. Фикримча, ёзувчи ота ва шоира она шубҳасиз ижодкорга таъсир ўтказган. Инсондаги ҳис-туйғулар қўполлашиб кетса, у нозикликни, гўзалликни англашдан маҳрум бўла боради. Бепарволик, айниқса, гўзалликка парвосиз бўлиш инсонни онгсизликка олиб келади. Фирдавсийдаги шоирона руҳ доимо тозаликка, гўзалликка интилади. Зеро, буюк руҳ истаклари буюк маданият яралишига туртки бўлади. Фирдавсийдаги ноёб қобилият шундаки, у биз кўпам илғамайдиган нозикликни чуқур фаҳмлайди.

Фирдавсий натюрмортлари унинг ижодида мавзулари хилма-хиллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Натюрморт тасвирий санъатнинг нозик тури ҳисобланади. Рассомнинг маҳорати шундаки, ҳаётий муаммоларни ўта нозик чизгиларда томошабинга етказа олади. Бир қарашда натюрморт, буюмларни ҳаққоний акс эттиришдек кўринса ҳам, шу ҳаққонийлик ичига сирлилик яширин. Назаримда, мусаввир бу ерда режиссёр ва маторангтасвирдаги буюмлар воқеани ривожлантирувчи персонажлардек. Ҳар бир унсурнинг, чизгининг ўз ўрни, ўз маъноси мавжуд. Фирдавсийда ўта кузатувчанлик кучли. Бу ҳолатни ҳар бир натюрмортда кузатиш мумкин.

Натюрмортларда хотира, соғинч, армон, миллий қадрият, табиат мавзулари акс эттирилади.

«Атлас» натюрмортида рассом миллийликни, бугун тараққиёт йўлидаги ўзбек халқининг руҳини бера олган.

«Ёзилмаган роман» асарида ёзилмаган муҳаббат тарихи, ёзилмаган армон, ёзилмаган саргузашт ранглар орқали ёзилгандек. Асар руҳи томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ундаги кайфият сизга юқади. Умуман олганда, Фирдавсий асарларининг ўз фалсафаси, ҳар бир унсурнинг мазмуний ифодаси бор.

«Шағам», «Қирқ йиллик хотира», «Куз», «Онамнинг куйи» асарларидаги рангларда бироз маҳзунлик, ёлғизлик руҳи кезса, «Раққос», «Япон натюрморти»да ранглар ўйноқилиги, гармония сезилади.



«Соғиниш» (Ностальгия)

«Синиқ ойна» натюрмортида синган ойна, ярмигача эриган шағам, оила рамзи бўлмиш никоҳ узуклар, синган ойнадан мунғайибгина муҳаббат бу айрилиқдан ҳайрон боқиб тургандек. Асарда гуллаб турган боғни совуқ ургандагидек карахт ҳолат.

Фирдавсийда ранглар ҳам мазмун белгилайди. «Армон» асарида сариқ ранглар хотирани ифодаласа, «Иссиқ ранглар» натюрмортида бу ранг ёруғлик, нур вазифасида келади. Бу барчаси Фирдавсийдаги меҳнаткашликдан, ноёб диддан дарак беради.

Бугунги ўзбек тасвирий санъати Марказий Осиё республикаларидан фарқли ўлароқ жаҳон андозалари даражасига етган ва ўзига хослиги билан унданда илгарилаган. Ортиқали Қозоқов, Шокир Зокиров, Бобур Исмоилов, Фирдавсий Файзулло каби ўзбек рассомлари, янги авлод тасвирий санъат мактабини юзага келтирмоқда. Улардаги истеъдод, имконият буюк асарларни дунёга келтиришга қодир.

Фирдавсий ижоди ҳали ўрганилмаган тилсимли, сирли хазинага ўхшайди. Унга мурожаат қилган томошабин албатта маънавий ва руҳий бойликка эга бўлади.



«Хотира»



«Ёнғоқ»

Дилфуза КАМОЛ

*Адабий талқинлар*

# БУҒДОЙ СЎЗ ТАЪМИ

Ёмғир ёғса — аксарият ҳолларда шоирлар учун булутларнинг кўз ёшлари, деб тушунтиради. Йўқ, аксинча, ёмғир томчилари — бу сувнинг уруғи, булутлардан сув ёғилаяпти. Булутлар зарру заминга, барру баҳрларга қут-барака уруғини сочяпти.

«Асримиз чинакам ёмғирга зордир. Юраклар ёнмоқда ҳансираб, юраклар чанқоқ. Энтикиб сув сўраб, куррамиз мисол», — деб ёзади Азиз Абдураззоқ. Азиз аканинг «Шўх ёмғир» ёки «Мавж», «Мингчинор» ёки «Азиз одамлар», «Яна баҳор» ёки «Қалб нури», «Лирика» ёки «Тўрт оғайни ботирлар» — ўнлаб мажмуаларининг қайси бирига мурожаат этманг, ёмғирга — оби ҳаётга бағишланган ўнлаб шеърлар ёруғ саҳифаларни ташкил этади. Энг муҳими, ёмғир томчилари ер юзида ҳаётнинг боқийлигию гўзаллигини таъминловчи тириклик суви сифатида талқин этилади. Ва шу маънода, у рамзли образга айланади. Бу, албатта, Азиз Абдураззоқнинг ҳаёт гўзаллиги ва маънавий комиллик билан боғлиқ эстетик қарашларининг бир қирраси.

Нур туфайли табиатдаги турфа рангларнинг ўзига хос белгиларини ажратамиз. Шунга монанд, шоир шеърларидаги бетакрор бўёқлар қалб нуридан маъноли ранглар олади, баҳра топади.

«Шеър ҳамиша шабнамдай мусаффо бўлишини, тонгларда кўзларни қувонтиришини истайман, — деб ёзади Азиз ака. — Балки мен тизган сатрлар булоқдай мўл-кўл эмасдир. Лекин мана шу шабнамларни жўшқин дарёнинг зарралари сифатида қабул этгайсиз. Булар менинг топганларим. Бахтиёрлигим шундаки, ўзим топганман. Йилларча излаб, неча-неча чақирим йўлларни кезиб, гоҳ дала-даштда, гоҳ боғроғда, гоҳ тоғ-тошда юриб, битталаб танлаган чечакларим. Ҳар бирининг ҳиди ҳар хил бўлишини истаганимдан шундай қилганман». Азиз аканинг шеърлари — кўнгил чечаклари. Мазмунли рангларни, ифори тароватни, қалбидаги ёруғликдан эмади. Эстетик позициясининг муайян маънолари тариқасида тажассум топади.

Азиз ака Тошкентдаги маданий-оқартув техникумини тугаллагандан кейин Москвада — М. Горкий номидаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олди. Европа ва рус адабиётининг, жаҳон шеъриятининг асл намуналари билан шу сабоқ йиллари атрофлича, мўл-мўл танишди. Бир умрга татимлик баҳрамандлик туйди. Бир сўз билан айтганда, Азиз аканинг шоирлик шахсияти ҳам, эстетик нуқтаи назари ҳам ана шу даргоҳдаги ўқиш-ўрганишлар, излаш-изланишлар даврида шаклланди.

Азиз аканинг тўртликларидан бошлаб «Йўллар», «Диёр ва ёр» сингари достонларигача шоирнинг дунёни кўриш ва тушунишдаги ўзига хос қарашларини кўз-кўз этиб туради.

**Бола қўрқиб қадам босмоқда,**
**Дадил эмас биринчи қадам.**
**Қари қўрқиб қадам босмоқда,**
**Дадил эмас сўнгги қадам ҳам.**

ёки,

**Хазоннинг ўтмиши — яшил барг эди,**
**Сарғайди, узилди, куздан зарб еди.**
**Менинг ҳам орқамда қолди баҳор, ёз,**
**Елкамда — муздек куз, олдимда аёз.**

Кўринадики, Азиз аканинг умр ҳикмати, тириклик маъноси ва масъулияти хусусидаги сатрлари содда, жўмард. Айтиш мумкинки, бадиий фикрни ифодалаш учун сўзларнинг қулоғини бурамайди, гапга тўн кийгизмайди. Сўзнинг юзига упа-элик тортиб, қошини термайди. Кучаниш, зўриқишни билмайди. Зўрма-зўракиликни ёқтирмайди. Шоир ўзи кўрган, билган, ҳис қилган, бошидан кечирган ҳаёт сабоқларини шеърга солади. Шу боисдан ҳам, улар дарров кўнгилларга йўл топади, қадрдонлашади, ҳамнафас дўстга айланади.

Образлари ҳам (совуқ калиш, иссиқ оёқ, ўтин, тутун, бурунсиз одам, қопқоқли оғиз ва ҳ. з.) ҳийла тўпорироқ туюлиши мумкин. Лекин шундоққина ҳаётнинг ўзидан олинганлиги боис, шоирнинг кўрган-кечирганлари сатрларга кўчиб ўтганлиги боис деҳқоннинг кетмондан қаварган серқадоқ кафтларини эслатади.

Азиз аканинг гўзаллик талқинига оид фикрларини кўздан кечирадиган бўлсак, унинг муҳим икки жиҳатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчиси, ҳаётнинг ўзидаги гўзалликка гард юқтирмаслик, бор табиийлиги, самимийлиги ва таровати билан идрок ва ифода этиш майли. Иккинчиси, инсон хоҳ жисмоний меҳнати билан бўлсин, хоҳ маънавий фаолияти билан бўлсин, ўзи гўзаллик намуналарини яратиши. Азиз ака талқинидаги гўзаллик феъли-фаолияти ҳамда табиатидаги фазилатларни кўз-кўз этишни ёқтирмайдиган камтар-камсуқум одамларга ўхшайди.

«Болаликдан кўримсиз эдим», — дейди у. Фаол меҳнат тирикликни ҳам, маънавиятни ҳам гўзаллаштиради. «Эсимни танигач энг биринчи кун, Онамни танидим тандир ёнида...» Шоир гўзалликни шундай таниган.

Шоирнинг гўзаллик хусусидаги нуқтаи назари олампарварлик, одампарварлик қарашлари билан уйғунликда зуҳур топаётир. Хусусан, ҳаёт ҳақиқати, эзгу амал ва гўзал хулқ-атвор инсон умрини ёруғлик билан чулғайди. Ана шу уч тушунчанинг вобасталиги инсон фаолиятига боқийлик ато этади. Инсон феъли-рафтори гўзал бўлганлиги боис қўл урган амаллари ҳам эзгуликка юз тутади. Тўғри, ҳалол ва покиза яшагани, заҳматкашлиги боис ҳаёт ҳам уни ҳамиша тотли неъматлари билан алқайди, улуғлайди. Одамнинг шон-шавкати унинг покдомонлигида, ҳаёт гўзалликларига шак келтирмаслигида. «Чангларни ютаман тозалаб йўлни. Тупроққа батамом ботириб қўлни. Не қилай, шу йўлни танлаган бўлсам. Шу ишнинг гаштини англаган бўлсам», дейди Азиз Абдураззоқ. Шоир мана шу эътиқодида ҳамиша собит. У йўл тозалаш фидокорлигини ўз устига олган.

Покдомонлик — маънавий гўзалликнинг асл манбаи. Шоир достонларида табиат ва жамият, инсон ва воқелик бадиий талқинларида шу нуқтаи назар балқиб туради.

Дунё шевалари ёлғиз оқ ва қора рангдан, одамзод феъли рафтори яхшию ёмондан, фаолияти эзгулигу разолатдан иборатми? Бу ёруғ очун, ер билан осмонлар оралиғи юриб, кўриб адо бўлмаганидек, инсон руҳий ҳаёти иқлимлари ҳам шунчалар чексиз, беадад. Азиз ака тасвиридаги воқелик, ҳаёт манзаралари тўпори, дўлвор, ҳокисор деҳқон тимсолида гавдаланади. Шоир тасвиридаги гўзалликнинг таъсир кучи, самимийлиги ҳам шунда.

Аслида ҳар бир ўзига хос шоирни буғдой нони бўлмаса ҳам, буғдой сўзи бор санъаткор дейишади. Азиз ака буғдой нонию буғдой сўзи мўл шоир. Шу боис у эл-юртда азиз.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0434.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.00

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА*